# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 1 март, № 43 (5973) Шанба


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Қорақалпоғистон Республикаси ахборот-кутубхона марказида битта китобдан бир пайтда кўплаб китобхонлар фойдаланиши мумкин.*

### Электрон кутубхона

— Марказга Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси лойиҳаси асосида тезкор сканер, UPS қурилмаси, термопереплётдан иборат жами 126 миллион сўмлик замонавий ускуналар келтириб ўрнатилгач, ўқувчилар учун ана шундай қулайлик яратилди, — дейди марказ раҳбари Инжигул Шарапова. — Натижада қизиқарли адабиётлар тез фурсатда электрон кўринишда кенг оммага тақдим этилаяпти.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *"Моҳир қўллар" масъулияти чекланган жамиятига келтириб ўрнатилган қурилма ёрдамида трикотаж маҳсулотларига кашта усулида исталган тасвир ва ёзувларни тушириш мумкин.*

### Автоматлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида

"Китоб ип йигирув" ОАЖ томонидан ташкил этилган мазкур корхона иш бошлаши билан 40 кишининг бандлиги таъминланди.

— Тикиш, бичиш, дазмоллаш каби юмушлар автоматлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилаяпти, — дейди жамият раҳбари Фахриддин Азизов. — Ортиқча қўл меҳнатига ҳожат қолмади. Шу билан бирга, табиий пахта матосидан тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг сифатини ҳам яхшилашга эришдик.

Айни пайтда корхона негизида йил охиригача ип йигирув ва тўқув цехларини ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун Германиядан қиймати 4 миллион АҚШ долларилик технологик ускуналар келтирилаяпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Ичимлик суви тармоқларини тортишда полиэтилен қувурлардан фойдаланишнинг афзалликлари кўп. Яъни бундай маҳсулотлар зангламаслиги, чиримаслиги ҳамда юқори босимга дош бериши билан ажралиб туради. Қолаверса, яроқлилик муддати ҳам узоқ — юз йилдан ошади.*

### Юқори босимга чидамли

Мирзаобод туманининг Барлос, Чинобод, Иттифоқ қишлоқлари ҳамда Оқолтин туманининг Ғафур Ғулом маҳалласи учун 8 километр масофага тўлиқ полиэтилен қувурлар тортилгач, янги тармоқ орқали соатига 320 куб метр обиҳаёт узатиш имконияти яратилди. Эътиборлиси, ҳозир 300 метрлик ер қаъридан олинаётган ичимлик суви таркибий жиҳатидан булоқ сувидан қолишмайди.

— "Мирзачўл" сув манбаини таъмирлаш ва янги тармоқни бунёд этишга 4 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди, — дейди Мирзаобод тумани "Ичимлик суви" ишлаб чиқариш давлат корхонаси раҳбари Ғулом Турдиев. — Биринчи янги қудуқ қазилгач, уларнинг сони 5 тага етказилди. Натижада сув тортиб олиш ҳажми янада ошди. Кейинги босқичда Мирзаобод туманининг Гулистон ҳамда Оқолтин туманининг Учтом маҳаллалари аҳолиси учун 10 километрлик тармоқ тортиш белгиланган бўлиб, бунинг учун 6 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

## саноат корхоналарининг салоҳияти изчил юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда



*Саноат корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодий тараққиётимиз барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Шу боис кейинги йилларда юртимизда ишлаб чиқариш субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилаётгани натижасида ички бозоримиз замонавий ва сифатли маҳсулотлар билан бойимоқда.*

**ИНТИЛИШ**

Жумладан, ҳозирги кунда Самарқанд туманидаги "Стеклопластик" масъулияти чекланган жамиятида 50 турдан зиёд спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилаяпти.

Корхона раҳбари Икром Ҳасановнинг айтишича, буюртмалар, асосан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказиладиган тендерлар асосида қабул қилинади. Айни пайтда эса жамоа маҳсулотлари жойлардаги мактабларнинг 825 та спорт залини, мингдан ортиқ коллеж ва лицейлар стадионларини безаб турибди.

Шу билан бирга, корхонада тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган мебель ва бошқа ускуналар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 2 миллиард сўмлик шундай маҳсулотлар Самарқанд вилоятидаги 6 та тиббиёт бирлашмасига етказиб берилди. Бундан ташқари, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги кўплаб тиббиёт муассасалари ҳам корхонанинг доимий мижозларидан ҳисобланади.

Маълумки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш давр талаби бўлиб, тадбиркор ушбу тамойилга қатъий амал қилсагина муваффақиятга эришиб, соғлом рақобат кучайган бугунги бозор шароитига дош бера олади. Шундан келиб чиқиб, ўтган йили корхона цехларига бешта замонавий дастгоҳ ўрнатилди. Бу нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки армрестлинг ва теннис столларини ўта аниқликда ўлчаш имконини ҳам берди. Галваника цехининг ишга туширилиши эса спорт анжомларини никель ва хром билан қоплашда қўл келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**2 март – Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун**

*Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири унинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.*

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан атиги олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Йигирма икки йилдирки, БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди.

Мамлакатимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига риоя этган ҳолда халқаро мунозаралар ёки низога олиб келувчи ҳолатларни ҳал этиш Ташкилотнинг асосий мақсади эканлиги белгиланган. БМТ Бош Ассамблеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилаётган мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсати бу эзгу мақсад ва вазифаларга тўла мосдир. Хусусан, 1993 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро институтлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Марказий Осиёнинг шундай ҳудудга айланиши тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига юксак ҳисса бўлиб қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш, Орол муаммосини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам муҳим масалалар сифатида эътироф этилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида ўтган Мингйиллик саммитида халқаро терроризм ва гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир таклифларни билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истамбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ**

*Бахтни ҳар ким ўзича тушунади. Кимдир уни саломатликда кўрса, бошқа биров яхши даромадда, деб билади. Бизнингча, энг катта бахт — қадр-қиммат, эътиборда, оиланг ва жамиятга кераклигингда. Шу жиҳатдан биз, ўзбек аёллари жуда ҳам бахтиёрмиз. Чунки саломатлигимиздан тортиб, жамиятда тутган мавқеимизгача давлат ҳимоясида, доимо ғамхўрлик ва эътибордан баҳрамандмиз.*

# Аёллари ардоқланган юрт

Ўзимдан келиб чиқиб айтсам. Бир неча йилдан буён Навбаҳор туманидаги "Болта бобо" фермер хўжалигини бошқариб келаяпман. Хўжалигимиз, асосан, чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, аҳоли истеъмоли учун зарур гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб берамиз. Шунингдек, уч гектар боғимиз бор. У ерда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириб, яхшигина даромад кўраяпмиз. Ўтган йилдан бошлаб иш фаолиятимизни кенгайтириб, паррандачилик ва асаларичиликка ҳам қўл урдик. Ўн нафар ҳамқишлоғимиз иш билан таъминланди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнес равнақи учун яратилаётган қулай муҳит туфайли янгидан-янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Натижада маҳсулот сифати ва тури ошмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Истеъмол бозорида соғлом рақобат муҳити қарор топмоқда. Бу каби имкониятлардан оқилона фойдаланиб, биз ҳам хўжалигимиз қошида кичик корхона ташкил этдик.

Корхонамиз Навоий шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ерда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатиш маркази ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Айни пайтда ўн нафардан зиёд хотин-қизлар доимий иш билан таъминланган. Муҳими, уй бекаларига касб-ҳунар сирлари ўргатилиб, ёшлар мутахассисликка йўналтирилмоқда. Бу билан улар оиласига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтираётир.

(Давоми 3-бетда).

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

# Устувор вазифалар масъулияти

*Президентимиз Ислом Каримов қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастури асосида мамлакатимизда юксак интеллектуал ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсли чора-тадбирларнинг янги босқичи ҳаётга татбиқ этила бошланди.*

Ҳар бир йилга алоҳида ном қўйиш шунчаки анъана эмас, балки давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган асосий мақсадимиз — замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун пухта ҳамда чуқур ишлаб чиқилган сиёсатдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Давлат дастури фақат бир йилгагина мўлжалланмаган, балки истиқлол йилларида босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, уни тўлдириб туради. Ўтган давр мобайнида миллий меросимиз, тарихий ёдгорликларимизни тиклаш, халқимизнинг миллий маънавиятини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинди. Энг муҳими, бундай саъй-ҳаракатларнинг узлуксиз тизими яратилгани долзарб ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик ҳамда юртга садоқат руҳида тарбиялашга замин яратди.

Хусусан, Она ва бола йилида (2001 йил) соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича кенг миқёсли чора-тадбирлар рўёбга чиқарила бошланди. "Соғлом она — соғлом бола" ғояси аҳоли ҳаётида катта ўзгаришлар ясаб, жамиятда кечаётган янгиланишларнинг моҳиятига сингдирилди.

(Давоми 2-бетда).

# Хусусий мулк кафолати

## Уни таъминлаш юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

*Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қонунларимизга мувофиқ равишда иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш зарурлигини алоҳида қайд этди.*

Бу бежиз эмас. Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатнинг тараққий этишида асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли хусусий мулкнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини англаш ва белгилаб олиш муҳимдир.

Айтиш жоизки, истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва йигирма йил давомида мамлакатимизнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан ривожланишига асос бўлиб келаётган бешта муҳим тамойилдан иборат тараққиётнинг "ўзбек модели" дея ном олган дастурнинг нечоғли тўғри танланган йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Айни чоғда у амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслиги кафолати бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Ўтган даврда амалга оширилаётган давлат объектларини хусусийлаштириш жараёнлари иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам бериш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш имконини яратди.

(Давоми 2-бетда).

# Хусусий мулк кафолати

**Уни таъминлаш юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусий мулк кўламини кенгайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун ўзига хос тизим яратилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар эса бу борадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Энг асосийси, ушбу ҳужжатлар давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат иқтисодий жиҳатдан эркин фуқарогина ҳақиқий мулк эгаси бўлиб, у ўз мулкидан самарали фойдаланиши ҳамда шу орқали мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш, мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, мулк барча шаклларининг ривожланишига бир хил шарт-шароит яратиб бериш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ушбу вазифаларни бажаришда, аввало, мулк ҳуқуқини амалга ошириш механизмининг ҳуқуқий асосларини яратиш, айниқса, унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган ҳар кимнинг ўз хусусий мулкига эркин эгалик қилиш тамойилини мустаҳкамлаш бўлиб, бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда, энг аввало, ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларига тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Концепция асосида тайёрланиб, ҳаётга татбиқ этилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда, шубҳасиз, муҳим ҳуқуқий асос бўлганини айтиш зарур. Унга кўра, мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиб, хусусий мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги аниқ белгилаб қўйилди. Мулкдорга фойдасиз шартларни юклаш, жумладан, улардан мол-мулкини, молиявий маблағларини топширишни талаб қилиш, мулкдор фаолиятига аралашиш, унинг мол-мулкини қўлга киритишга ёки хусусий мулкига бўлган ҳуқуқларидан воз кечишига мажбур қилиш қатъий тақиқланди.

Муҳими, бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдор фойдасига ҳал этилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатдики, мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларини янада мустаҳкамлаш, аниқлаштиришга зарурат бор эди. Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, бозор муносабатларини қарор топтириш учун тадбиркорларга фақат ҳуқуқий кафолатлар етарли эмас. Биз тадбиркорга республикамизнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаётган омил сифатида ёндашмоғимиз зарур ва қонунчилик фаолияти айнан шунга қаратилган бўлиши лозим.

Қонунга биноан, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бундай мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. У дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Зотан, хусусий мулк ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ва уни амалга оширишнинг моддий асосидир.

Айни пайтда мамлакатимизда мулкдорлар қатлами ривожланиб бораётган экан, у билан боғлиқ ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни ҳам замон талаблари асосида такомиллаштириш айни заруратдир. Зеро, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлиги таъминланиши ва ишончли кафолатланишини хоҳлайди.

Фракциямиз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам беришга, хусусий мулкчиликнинг шаклланишига замин яратувчи, пировардида эса барча тармоқларда хусусий сектор устунлик қилган кўп укладли иқтисодиёт барпо этишга хизмат қилувчи мукаммал ҳуқуқий асосларнинг яратилишини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш баробарида, замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш, жумладан, фонд ва маҳсулот бозорларини, кўчмас мулк бозорларини, хусусийлаштириш, суғурта фондларини, аудиторлик ва консалтинг ҳамда мулкни баҳолаш компанияларини ва бошқарув институтларини бугунги кун талаби даражасида ривожлантиришни, уларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни илгари суради.

Бинобарин, булар хусусийлаштириш жараёнларининг ижобий суръатларда боришига, хусусий мулкдорлар синфининг янада ўсиши ва ривожланишига омил бўлади ҳамда миллий иқтисодиётда чуқур институционал ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида молиявий ресурслар кўламини кенгайтиришга замин яратади. Хусусийлаштириш жараёнини янги, янада юқори ривожланиш босқичига олиб чиқиш имконини беради.

**Ш. БОЛТАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси.**

# Устувор вазифалар масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Изчил ва босқичма-босқич амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган рейтингга кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди. Юртимизнинг бу борадаги тажрибаси Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди.

Шу ўринда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили (2009 йил)га ҳам теран назар ташлайлик. Ўша йили қабул қилинган Давлат дастурида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, шаҳардан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратиш мақсади қўйилди. Ўзбекистонда қишлоқни ривожлантириш халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида белгилаб олинди. Қишлоқ жойларда намунали уй-жой қуриш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. 2009 йилдан эътиборан ҳар йили қулай ва замонавий уй-жой массивларини барпо этиш, муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани тўлиқ яратиш бўйича махсус дастур қабул қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 1249 та янги уй-жой массиви барпо этилди, 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу шунча оила замонавий уй-жойга эга бўлганидан, янги авлоднинг бахтли ҳаёти учун барча шарт-шароит муҳайё этилганидан далолатдир. Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ютуқлари эса 2013 йил апрелда Тошкентда бўлиб ўтган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзуидаги халқаро конференцияда хорижлик экспертлар томонидан юксак даражада эътироф этилди.

Аёллар йили (1999 йил)да ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириш бошланган эди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларида алоҳида йўналиш сифатида ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ўзини намоён қилишларига шарт-шароит яратишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг бошланғич ташкилотлари давлат томонидан кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётгани катта самара бермоқда.

Албатта, бу ютуқларнинг барчасида мустаҳкам қонунчилик базаси муҳим ўрин тутади. Энг асосийси, қонунчилик давр талабларидан келиб чиқиб изчил такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ислоҳотларнинг ҳуқуқий майдонини яратиш, қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни янги марралар учун навбатдаги босқич, деб аташ мумкин. Парламент юқори палатаси фаолияти давомида бир қатор қонунлар маъқулландики, улар аҳолининг турмуш даражасини оширишда ижобий таъсир кўрсатмоқда ҳамда бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётир. "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги, "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"-ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар, шак-шубҳасиз, маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йилги Давлат дастурида 8 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Булар "Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Аҳолининг санитария-эпидемиологик барқарорлиги тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа тегишли қонунлардир.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури мамлакатимизда инсон ва миллат келажагига қаратилаётган юксак эътибор ифодасидир. Ушбу ҳужжатнинг мазмуни ва аҳамиятини ҳар бир киши чуқур англаб етмоғи керак. Зотан, мазкур дастурда беқиёс ғамхўрлик мужассам. Бу ҳар биримизни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ва юксак масъулият туйғуси билан яшашга ундайди.

**Валерий ТЯН,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Мазкур концепцияда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, давлатлараро алоқалар ва ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил этиши баён қилинган.

Мамлакатимиз БМТ билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи органи ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистонда аҳоли соғлиғини сақлаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг минтақавий филиаллари, кўп тармоқли шифохоналар, оилавий поликлиника ҳамда замонавий қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО фан, таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, "Алпомиш", "Авесто" каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро "Тинчлик шаҳри" деб эълон қилинди. Бойсун маданий мероси, Шашмақом, катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган.

2013 йил августда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини, Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган "Шарқ тароналари" фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини алоҳида таъкидлади.

Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши. Ўзбекистон Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб келади. Хусусан, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, бу ерда яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Оролбўйидаги экологик бўҳрон оқибатлари билан бевосита танишди. Ушбу ташриф якунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор соҳасига айланди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда. Бу мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**(ЎзА).**

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

## саноат корхоналарининг салоҳияти изчил юксалиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сир эмас, илгари бу ерда оғир беморлар учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилаётган махсус каравотларнинг бутловчи қисмлари чет давлатлардан валюта ҳисобига келтирилар эди. Хитойдан 120 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига янги ускуна сотиб олингач, бу муаммо ечимини топди.

Ўтган йили корхонада жами 11,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган эди. Кўрилган фойданинг асосий қисми замонавий ускуналар харид қилиш орқали янги маҳсулотлар тайёрлашга сарфланаётир. Масалан, жорий йилда жамиятда болалар майдончаларига жамланмалар ҳамда стадионлар учун икки турдаги ўриндиқ, "MAN" ва "Sino" заводлари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 8 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Буларнинг бари, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида қайд этилганидек, фарзандларимизни соғлом ва бақувват қилиб вояга етказишдек эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.





**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** жамият фаолиятидан лавҳалар.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — БОШ МАҚСАД

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан биргаликда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг қонунчилик асосларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Унда сенаторлар, вазирликлар, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва таълим муассасалари раҳбарлари қатнашди.*

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда жисмоний соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бугун ёшларнинг таълим-тарбия олиши, ўз истеъдод ва иқтидорини намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ушбу йўналишда тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим тизимини, соғлом ва баркамол шахсни ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳамма босқичларини тубдан ислоҳ қилиш, бу соҳада беқиёс натижаларга олиб келган янги узлуксиз таълим моделини яратиш учун асос бўлди. Мазкур моделни муваффақиятли амалга ошириш натижаси ўлароқ, 9 йиллик умумий ўрта ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ўз ичига олган 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълимга ўтилди.

Ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилаш ва уни услубий янгилаш чоралари кўрилди. Ҳозир 1,5 миллион нафардан ортиқ ўқувчи замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 1396 та янги касб-ҳунар коллежи ва 141 академик лицейда таълим олмоқда. Мамлакатимизда 59 та олий ўқув юрти, пойтахт олий ўқув юртларининг 11 филиали ва етакчи чет эл университетларининг 6 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда олий таълим сифатини тубдан яхшилаш доирасида 2011 йилдан буён олий ўқув юртларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, университетларнинг илмий фаолиятини ривожлантириш ҳамда илмий-педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича беш йиллик дастур рўёбга чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, давра суҳбатида кўрсатиб ўтилганидек, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш фақат давлат органлари ва муассасалари, ўқув юртларинигина эмас, балки кенг жамоатчиликнинг иштирокини ҳам талаб қилади. Ушбу муҳим стратегик вазифани ҳал қилиш ҳозирги кунда кўп жиҳатдан оила, маҳалла, умумтаълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари биргаликда самарали иш олиб боришини талаб этади.

Муҳокамада соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ролини янада ошириш, бу муҳим вазифани ҳал қилишда уларнинг таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари, оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан биргаликдаги фаолиятини кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Ёш авлод онгида маънавиятни юксалтириш, тарихий хотира ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, ташқаридан кириб келаётган ахлоқсизлик, зўравонлик, индивидуализм, худбинлик ва бошқа шу каби "оммавий маданият" унсурларига нисбатан иммунитет ҳосил қилиш масалалари билан боғлиқ қатор тавсиялар берилди.

Якунда бу борадаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди ва тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ИЗЛАНИШ

*Иш бошлаганига ҳали кўп бўлмаган "Buxara Texno Teks" масъулияти чекланган жамияти маҳаллий экспортчи корхоналар қаторига кирди.*

# Корхона маҳсулотлари — экспортга

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур ишлаб чиқариш субъекти хорижлик буюртмачилар билан тузилган 105 минг АҚШ доллари қийматидаги шартномага мувофиқ, дастлабки экспорт амалиётини бажарди. Бунда унинг янги, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлангани қўл келди. Улар воситасида корхонада ойига 60 минг погонометр хом бўз ишлаб чиқариш мумкин. 200 миллион сўмдан зиёд сармоя эвазига рўёбга чиққан бизнес лойиҳа туфайли 12 та иш ўрни яратилгани ҳам эътиборга моликдир.

Айни пайтда вилоятда ҳудудий экспортнинг юз фоизи кичик бизнес субъектлари улушига тўғри келмоқда. Иш билан банд аҳолининг 77,5 фоизи шу соҳада меҳнат қилаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аёллари ардоқланган юрт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркорлик, хусусан, аёллар тадбиркорлигига қаратилаётган эътибор сабаб бир қатор истиқболли лойиҳалар, бизнес-режалар устида иш олиб бораяпмиз. Ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган лойиҳаларимизнинг қўллаб-қувватланиб, ўз вақтида рағбатлантирилаётганлиги янгидан-янги ғояларнинг туғилишига туртки бермоқда. Ўтган йили “Йил аёли” кўрик-танловининг республика босқичида “Энг яхши тадбиркор аёл” номинацияси бўйича тақдирландим. Туманимиз, вилоятимизда ташкил этилган бир қатор кўргазма, танлов ва савдо ярмаркаларида иштирок этиб, эл назарига тушдим. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлар, фермерлар билан танишиб, уларнинг иш тажрибаларини ўргандим.

Бу йилги мақсадларим янада улуғ. Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани фарзандлар саломатлиги билан боғлиқ бир қатор режаларимизни амалга оширишда дастуриламал бўлади, албатта. Аълочи ўқувчилар учун махсус стипендия таъсис этиш, етиштираётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиздан мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасаларини имтиёзли таъминлаш лойиҳалари шулар жумласидандир. Демак, истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси вакилларида янгидан-янги ғояларнинг туғилишига туртки вазифасини ҳам ўтаяпти. Зотан, эртанинг умиди билан яшаган одамнинг ҳар бир куни хайрлидир.

**Лола БОБОҚУЛОВА,**
**Навбаҳор туманидаги «Болта бобо» фермер хўжалиги раҳбари.**

---

МАВСУМ

*Ҳут кирди, қиш бўйи мудраб ётган замин офтобнинг ҳаётбахш тафтидан уйғонди. Бир пасда атрофни майса ҳидию ернинг иси тутиб кетди. Табиатнинг бундайин ўзгача оройишда ўзгариши деҳқонни даласига чорлади. Зеро, энди совуқ кунлар ортда қолиб, ўлкамизда яшариш ва яшнатиш, янгиланиш ва уйғониш фасли — баҳор бошланди.*

# Ризқу барака мезони

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари янги деҳқончилик мавсумида агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажариш мақсадида ишни янада жадаллаштирмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки соҳанинг самарадорлиги, экинлардан олинадиган ҳосилнинг чўғи айни шу палладаги меҳнатга боғлиқ. Чигит экиладиган майдонлар сифатли тайёрланиб, ниҳоллар бир текис ундириб олинса, ғалла майсаларининг баҳорги озиқлантириш кечиктирилмаса, шубҳасиз, мўл ҳосил етиштирилади. Шунинг учун деҳқон ва фермерларимиз далаларга отланиб, бу йил ҳам юқори натижаларни қўлга киритиш пайидан бўлишмоқда.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди — 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси етказиб берилди. Бу — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпайди, деганидир.

Дунёнинг кўпгина давлатларида глобал иқлим ўзгаришлари таъсирида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора пасайиб кетаётган бир пайтда бундай юқори кўрсаткичлар қўлга киритилгани эътиборга лойиқдир. Бу давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг жадал ривожлантирилаётгани, қишлоқ мулкдорларининг меҳнат қилишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар шарофатидир, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йил ҳосили учун 1 миллион 132,6 минг гектар суғориладиган, 196,8 минг гектар лалмикор ерда ғалла парваришланаяпти. Асосий майдонларда буғдойнинг тупроқ-иқлим шароитимизга мос “Краснодар-99”, “Таня”, “Нота”, “Чиллаки”, “Бобур”, “Андижон-1”, “Аср”, “Жайҳун”, “Яксарт” каби навлари жойлаштирилган.

— Куз мавсумининг деҳқончилик учун жуда қулай келгани ғаллани мақбул муддатларда экиш ва тўлиқ гектарлар яратиш имконини берди, — дейди вазирликнинг Ғаллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Тўрақулов. — Қиш фаслидаги ёғингарчиликлар меъёрида бўлиб, ер намга тўйгани майсаларнинг баравж ривожланишини таъминламоқда.

Айни пайтда ғалла майдонлари парваришига эътибор кучайтирилган, уларнинг ҳолати эса кўнгилдагидек: барқ уриб ўсмоқда. Сабаби, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ғалла майдонларига бир марта азотли ўғит солиниб, иккинчи озиқлантириш ишлари бошлаб юборилди. Экинни суғоришда “шарбат” усули қўлланилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Бунинг учун республикамиз бўйича 7 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит жамғарилиб, ғаллазорлар четларида 235 мингта махсус хандақ қазилди. Бу усул сувни тежаш баробарида, ғалланинг нисбатан эрта етилишига, ҳосил баракали бўлишига хизмат қилади.

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, баҳорнинг илк ойи — ҳут баъзан қишнинг ҳукмида қолади. Жорий йилда у қутли келди. Об-ҳаво деҳқончилик учун жуда қулай. Табиийки, бу ер етилиши жараёнини тезлаштиради. Демак, чигит қадашга тобора оз фурсат қолаётир. Буни яхши англаган деҳқонлар экин-тикинга тайёргарлик ишларини авж олдирмоқдалар.

Президентимизнинг шу йил 18 февралдаги “2014 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган майдонларга чигит экиш режалаштирилган. Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш, ушбу муҳим тадбирни отряд усулида олиб бориш экин-тикин ишларини ўн кун ичида якунлаш имконини бериши кутилаяпти. Шу мақсадда республикамиз бўйича ташкил этилган отрядларга соҳанинг етук мутахассислари, тажрибали деҳқонлар жалб этилиб, зарур техника воситалари шай қилиб қўйилди. Қолаверса, ҳозиргача салкам 1 миллион 100 минг гектар майдонда шўр ювиш тадбирлари сифатли бажарилди. Айни чоғда ерлар пешма-пеш текисланиб, белгиланган 423 минг гектар майдонда пушта олинмоқда.

— Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим саноат хом ашёси ва экспортбоп маҳсулот — пахта толаси тайёрлашнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтиришда қўл келмоқда, — дейди вазирликнинг Пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Равшан Қурбонов. — Хусусан, бу йил ғўза навларининг жойлаштирилишида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити, сув билан таъминланганлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда, ҳар туманда иккитадан, фермер хўжаликларида битта нав экилиши тавсия этилган. Шундан келиб чиқиб, катта майдонларда “Наманган-77”, “Ан-Боёвут-2”, “Бухоро-102”, “Султон” каби тезпишар, “С-6524”, “Бухоро-8”, “Бухоро-6” сингари ўртапишар, шунингдек, 79 минг гектарда янги навлар экилиши кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, пахтачиликда кўчатлар сонини кўпайтириш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш мумкинлиги илмда ҳам, тажрибада ҳам ўз исботини топган. Жумладан, кейинги йилларда республикамизнинг тупроқ унумдорлиги нисбатан паст бўлган ҳудудларида чигитни қўшқатор қилиб экиш усули қўлланилаётгани ва кутилган самарани бераётгани барчага аён. Шунга кўра, бу илғор технология жорий мавсумда 370 минг 576 гектар майдонда татбиқ қилинади.

Тажрибали деҳқонлар баҳорнинг бир куни йилга татишини яхши билишади. Шу боис тақдирини ер билан боғлаган бундай инсонлар бугун даласида бедор. Бажарилаётган ишлардан кўзланган мақсад эса эзгу. У ҳам бўлса, эртанги кунимиз ҳозиргидан-да яхши, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси**

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ**

**компьютер техникалари харида бўйича танлов эълон қилади.**

Таклифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда ҳамда устки қисмига «Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт. Таклифларнинг техник ҳамда тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

**Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Гулистон ш., Абдураҳманов к., 7-уй.**
**Телефон: (8-367) 227-89-08.**
**Ҳ/р: 23404000100209273327,**
**МФО: 00023, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200322979,**
**Марказий банк, Гулистон шаҳри.**

292R/150



# «Тошкент труба заводи» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).



**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —**
ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —**
ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —**
ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади.
Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

60R/956

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



● Реклама ва эълонлар ●

*Фирма ва компания раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**тендер савдоларини эълон қилади.**

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

**1. Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили:**
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси.
Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-тор кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (8 10 998) 252-30-36, 255-78-24.
Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74).
E-mail: umts@mvd.uz

**2. Тендер савдоси предмети.**
- **Тендер № 9** «Қўлда олиб юриладиган рақамли УҚТ радиостанциялари учун гуруҳли қувватлаш қурилмаларини етказиб бериш»
- **Тендер № 11** «Сервер ва компьютер қурилмаларини етказиб бериш»
- **Тендер № 134** «Видеоконференция алоқа тармоғини яратиш учун қурилмаларини етказиб бериш»

**3.** Етказиб бериш шарти, муддати ва тўлов шарти юзасидан маълумотлар тендер савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.

**4.** Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер иштирокчиларининг малакавий танлови амалга оширилади.

**5.** Тендер ҳужжатларининг қиймати, тендер таклифларининг кафолатлаш суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари юзасидан маълумотлар тендер савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.

**6.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 апрель куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га.

**7.** Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

343А/179



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

**«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 8 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 23 октябрдаги 1-4251/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (аввалги генерал Узоқов) кўчаси, 60-«А» уй, 159-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 52,40 кв.м., тураржой майдони 35,04 кв.м., 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли (аввалги генерал Узоқов) кўчаси, 60-«А» уй, 160-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 50,82 кв.м., тураржой майдони 32,52 кв.м., 2 та яшаш хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***

**II. 2014 йил 25 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран савдога қўйилмоқда:**

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдаланиш майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 174 697 828 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 222 090 928 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 17 ноябрдаги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 40 346 500 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 27 декабрдаги 10-1207/24057-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тюльпан тор кўчаси, 92-уйда жойлашган, умумий майдони 1092,0 кв.м. бўлган цех биноси.

***Бошланғич баҳоси — 373 130 100 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

347А/90

***Лицензия: № RR-0017.***



## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 81 986 276 сўм.***

**2.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2011 йил 22 июлдаги 11-1128/0506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани, «Янги Чиноз» ҚФЙ, Наврўз кўчасида жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 54 259 470 сўм.***

**3.** Чиноз тумани СИБ томонидан 2009 йил 17 августдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани, Чиноз шаҳрида жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 51 937 290 сўм.***

**4.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Фазогирлар кўчасидаги 11/2-уй.

***Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм.***

**5.** Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан 2012 йил 9 мартдаги 3883-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20-уйда жойлашган «Ўзбекистон» кинотеатри.

***Бошланғич баҳоси — 609 753 774 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон.**
**Телефон: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

339А/51



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 948 447 449 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Магистрал кўчаси, 9-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 334 494 342 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 13 март куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2014 йил 17 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 апрель куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси, 58-уй.**
**Телефон: (8-366) 233-80-56. www.1kms.uz**
**rieltsavdo@inbox.uz**

341А/1453

***Лицензия: RR-0001.***



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 129 047 025 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 19 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 17 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

340А/1453

*Лицензия: RR-0001.*

# Кўнгил хиёбони

*Оилада ўғил улғая бошлади. Ўсмирлик ёшига етса ҳам ўйиндан бош кўтармас, уй ишларига қарашмайди. Ота-онанинг гапини қулоғига олмайди. Аммо уларнинг бориб турган эркаси, нима истаса, шуни ҳозир қилади.*

*Орадан йиллар ўтибди. Ота билан она фарзандини меҳнатга ўргатмоққа жазм қилибди. Ахир у тенгилар аллақачон отасининг ёнига кирган, рўзғорнинг бир буржини кўтариб келади. Шуларни ўйлаб, уни косиб дўстига шогирдликка берибди.*

## Ота ва ўғил

**Сабоқ**

Косиб ўз касбининг устаси, қўлига тушган буюмга жило беради. У янги шогирдига касбнинг сиру асрорини ўргата бошлади. Аммо у устанинг гапларига парво қилмас, тиззасига олиб ямоқ солаётган эски чориққа қараб турса-да, фикри-хаёли бошқа ёқда бўлади. Кунлар шу тахлитда ўтаверди. Бир куни уста шогирдига айтдики, мана сизга маош, бориб ота-онангизга элтиб беринг.

У пулни отасига берди. Падари хабардормасми, пулни олди-да, ловуллаб ёнаётган оловга ташлади. Бола миқ этмади. Алангага индамай қараб турди.

Отанинг боши қотди. Қандай қилиб ўғлини ҳалол меҳнатга ўргатса бўлади? Унга-бунга маслаҳат солди. Устага шогирд тушгани маъқул, дейишди улар. Ўйлай-ўйлай, қаттиққўл ошнасининг қўлига топширди. Шогирднинг суяги қотганмасми, устанинг панду насиҳатларини барибир ўзига олмади. Охири у ҳам қўлига бир тутам пулни бериб, уйига кузатди. Бу гал ҳам отаси сиқим пулни гуриллаб турган ўчоққа ташлади, ўғлининг юзида ўзгариш бўлмади. Аксинча, ёнаётган пулга қизиқсиниб қараб турди.

Отанинг ҳафсаласи пир бўлди. Энди ўғлининг қўлидан етаклаб ўта талабчан устанинг қошига бориб айтдики, ўғлимнинг ёшлик чоғи ҳам ўтиб бораяпти, унга бирор касбни ўргатиш айни муддао. Йўқса, ота-оналик бурчимизга дарз кетади. Шунга қўлдан келганча ёрдам берсангиз, боболардан қолган гап бор: суяги меники, эти сизники, уста.

Уста чиндан ҳам талабчан эди. У шогирдини эрта тонгдан уйғотар, сомон ташитар ва тупроққа аралаштиришини кузатарди. Бола бундай ишни қилиб кўрмагани учунми, аввалига бўйин товлади. Уста янада қаттиқ олди, сўнг шогирд секин-аста сомон ташиб тупроққа аралаштирадиган, кун кўтарилгач, уни лой қилиб қорадиган бўлди. Тайёр пишган лойни қолипга солиб, силлиқ ғишт қуя бошлади. Шундай қилиб у бинокорликни ўрганишга киришди.

Ниҳоят меҳнатга кўника бошлаган шогирд уйига жўнади. Келди-да, меҳнатининг ҳақини отасига узатди. Ота унинг авзоидаги тетиклик, собитликни кўриб, пича хурсанд бўлди. Барибир синамоқчи бўлди-да, пулларни олиб, алангага ташлади. Шунда бола жон-жаҳди билан ўзини оловга отиб, пулларни асраб қолди. Дарғазаб ўғил отасига қарата "Нега бундай қиласиз, ахир бу пешона терим-ку, ота?", дея норозилик билдирди.

Шунда ота, хайрият, деди. Яша ўғлим, меҳнатнинг нони шундай ширин бўлади. Фақат меҳнат қил, кўриб турибсан, ҳалол йўл билан топилган пул ўтда ҳам ёнмайди, сувда ҳам чўкмайди.

**Худойберди ТЎХТАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси.**

**Буюк аждодларимиз**

Ўзбекистон — улуғ мутафаккирлар, олиму фузалоларга бешик бўлган муқаддас замин. Бугунги кунда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек сингари бобокалонларимизнинг номлари дунё тамаддуни билан боғлиқ ҳолда айтилишининг сабаби ҳам шунда.



## Сўнмас эътиқод тимсоли

Эътироф этиш керакки, истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилиб, қадамжолари обод қилинди. Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида қад ростлаган Имом ал-Бухорий мажмуаси ана шундай табаррук манзиллар сирасидан. Давлатимиз раҳбарининг бевосита кўрсатмаси ва ташаббуси билан қад ростлаган ушбу мажмуа бугунги кунда нафақат юртдошларимиз, балки мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Имом ал-Бухорий 810 йилда Бухорои шарифда таваллуд топган бўлиб, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ёшлигиданоқ илм-маърифатга, китоб мутолаасига қизиққан. Бўлажак алломанинг қувваи ҳофизаси кучли бўлгани боис болалигиданоқ бир неча ҳадисни ёд олган. Ўша давр уламоларидан бири: "Имом ал-Бухорий билмаган ҳадис ҳадис эмас", дегани ҳам унинг буюк истеъдод эгаси эканлигидан далолатдир.

Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ ал-Бухорий" асари ислом таълимотида Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган табаррук асар ҳисобланади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, у бутун фаолияти давомида илм аҳли ва толибларига ҳам илмий, ҳам моддий кўмак бериб келган. Аллома ушбу асарни тайёрлаш жараёнида ҳар бир жумлага ғоятда эҳтиёткорлик билан ёндашган. Не машаққатлар билан тўплаган ҳадислар саҳиҳлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, обдан текширгандан кейингина уларни ўз асарига киритган.

"Саҳиҳ ал-Бухорий"нинг илмий қиммати яна шундаки, у ҳадис илмига илк бор қонун-қоидаларни киритиб, ана шу тамойилга асосан ишончли ва ҳаққоний ҳадислар — саҳиҳ ҳадисларни йиғди ва "Шурут ал-Имом ал-Бухорий" деган ном билан атади. Буюк аллома саҳиҳ ҳадислар бўйича биринчи бўлиб ўзига хос мактаб яратди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг



ҳаёти чин маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**профессор.**

## Латиф ўланлар жозибаси

Қибрайда, Чирчиқ дарёсининг шундоққина ўнг соҳилида Қипчоқ деган қишлоқ бор. Уни нафақат юртимиз, балки қўшни мамлакатларда ҳам биладиганлар кўп. Нимаси билан машҳур дейсизми?

**Эътироф**

Биласиз, азалдан ўлкамизда бахшилик, оқинлик анъаналари шаклланган. Заминимиздан етишиб чиққан истеъдодлар халқ оғзаки ижодидан дуру гавҳар териб, асрлар оша келажак авлодларга етказиб келмоқдалар. Шу билан бирга, юртимизда қардош туркий халқлар маданий меросининг ноёб дурдоналари ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётир. Айниқса, мустақиллик йилларида номоддий мероснинг ажралмас қисми бўлган халқ оғзаки ижоди алоҳида эъзоз ва эътибор топди.

Биз тилга олган Қипчоқ қишлоғида туғилиб камол топган Қулмахон Дуйсенов ҳам оқинлик анъаналарини давом эттириб келаётган истеъдод соҳибларидан. Санъатга ўзгача меҳри туфайли халқ термаларини мустақил ўргана бошлаган ҳаваскорнинг довруғи тезда чор-атрофга таркалди. Бора-бора у ҳозирги замон оқинлик санъатининг халқаро миқёсда тан олинган йирик вакилларидан бирига айланди. Нафақат юртимизнинг олис-яқин еридан, балки қўшни мамлакатлардан Қипчоқни, Қулмахонни дараклаб келадиган бўлишди.

Қулмахоннинг ўланлари латиф, ёқимли. Истеъдоди ниҳоятда нодир. У айтадиганини аввалдан ёзиб-пишитиб ўтирмайди. Илҳоми жойида келади. Таъбир жоиз бўлса, тингловчига қараб "тўн бичади". Айни чоққача айтишувларда Қулмахонга тенг келадигани топилгани йўқ. Шунданми, Ватанимизда, ҳаттоки, қардош халқлар диёрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган халқаро оқинлар айтишувларида, неча йилдирки, Қулмахонга тенг келадигани топилмайди!

*Бу воқеани Қипчоқ нуронийларидан бири Тоғай Сакиев айтиб берганди. Қайсидир йили қўшни мамлакатда ўтган нуфузли халқаро танловда ғолибликни қўлга киритган юртдошимизни ўша ерлик ашаддий мухлислардан уч-тўрттаси секин четга ториб, "Шу ерда қолиб, ижод қилинг, ҳамма истагингизни муҳайё этамиз", дегандек гап қилишибди. Қулмахон бу таклифни рад этибди. "Мен дўмбирани машҳур бўлиб юрт кезиш, мол-давлат орттириш учун эмас, мени булбулзабон этган жаннатмонанд юртимни мадҳ этиш учун қўлга оламан", деб жавоб қилибди.*

Қулмахон ўзининг ўта ноёб истеъдодини Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган йирик халқаро анжуманда дунёнинг кўпгина нуқталаридан келган фольклор ишқибозлари кўз ўнгида яна бир бор намойиш этди. Ўшанда Қулмахоннинг хорижлик мухлислари ҳам ниҳоятда кўп эканига, булбулзабон оқиннинг қувваи ҳофизасига маҳлиё бўлган шинавандалар уни узоқ олқишлаганига, ўз мамлакатларига концертлар, учрашувларга таклиф этишганига гувоҳ бўлганмиз.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади, дейдилар. Бинобарин, Қулмахоннинг санъати халқаро миқёсда яна бир бор эътирофини топди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтган халқаро оқинлар беллашувида ўз маҳоратини намойиш этган ҳамюртимиз бу сафар ҳам зални "зириллатди", минглаб юракларни ҳаяжонга солди. Пировардида хориждан ташриф буюрган манман деган санъат соҳиблари орасида улоқ яна ҳамюртимизда кетди!

Ўша куни Қулмахон қадрдон қишлоғи Қипчоққа халқаро танловнинг бош соврини — "Нексия" автомашинасини миниб қайтди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

## Соғинч

**Б**угун баҳорнинг илк куни. Орзиқиб кутилган фасллар келинчагининг ташрифи туфайли борлиқ уйғонади, табиат ям-яшил либосга бурканади. Бундай фараҳбахш айёмда дилхуш бир ашъор ўқиганга не етсин?! Бинобарин, 1 март — баҳорни, она-табиатни ўз шеърларида тараннум этган садоқат ва вафо куйчиси ЗУЛФИЯнинг таваллуд топган куни ҳамдир. Шундай экан, адабиётимизнинг атоқли намояндасини хотирлаб, дилбар шеърларидан бирини муштарийларимизга тақдим этишни лозим, деб билдик.

### Фарзанд

***Нега севмай, эркалаб ўпмай,***
***Нечун демай уни ҳаётим?***
***Нега демай кўзимнинг нури,***
***Сўзлаганда қандим, новвотим?***

***Ширин экан фарзанд, у билан***
***Оилага кирар экан жон.***
***Кўзи кўзга тушиши билан***
***Меҳри балқир экан бепоён.***

***Иқбол бўлиб кўзинг олдида,***
***Кундан-кунга топаркан камол,***
***Не бахт, тоза ҳаёт боғингда***
***Ўсса тоза, бебаҳо ниҳол.***

***У бор ерда қайғу ва ҳасрат***
***Ҳаётингга бегона экан.***
***Қани айтинг, фарзанддан қиммат***
***Бу дунёда нима бор экан?***

***О... фарзандим, кўзим нурисан,***
***Менга сендай бўла олур ким?***
***Сен ҳаётим, сени кўраркан,***
***Дилда беҳад жўшади меҳрим.***

***Қора кўзларингга қарайман,***
***Унда борлиқ бўлар намоён.***
***Менинг бахтим ёрқин, бегумон***
***Жилваланиб кўринар аён.***

***Ширин сўзинг, чексиз меҳринг бор,***
***Қилиғингда бир олам ором,***
***Сен билан дил чиройли гулзор,***
***Қўшиғимга туганмас илҳом.***

***Сен ўс — соғлом, беқайғу, эркам,***
***Муҳаббатим бошингга соя,***
***Мен бахтиёр алла айтайин,***
***Қўшиқларим кўп, бениҳоя.***

***Кўзёш нима, сен билма зинҳор,***
***Сенга порлоқ тилайман иқбол,***
***Бу дунёда не яхшилик бор***
***Сенга, қўзим, сенга бўлсин, ол!***

## Боқий умр

**Ҳикоят**

Айтишларича, саховатда, илму маърифатда беназир бир кишининг уйида бўлиб ўтган меҳмондорчиликда олим, фозил бир инсонни кўп ва хўп таърифу тавсиф қилдилар. Мезбон у олимни кўриб, суҳбатидан баҳра олишни орзу қилиб, уни навбатдаги меҳмондорчиликка чорлади.



**О**лим келгач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин мезбонга таъзим айлаб:

— Меҳмондорчиликка чақирганингиз учун ташаккур, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг, — деди.

Мезбон синчков эди. Шу боис дарҳол олимнинг сўзига таажжуб қилиб айтди:

— Ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими?! Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одам минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўтиб кетгандан кейин ҳам қолдирган эзгу ишлари боқий умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли эканлигингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода "Минг йил умр кўринг", дедим, — дея жавоб берди олим.

**Отабек ИСМОИЛОВ тайёрлади.**



*— Ҳозир бизнинг навбатимиз...*

Шомурот ШАРАПОВ сурат-лавҳаси.

**Сўз кўрки**

*Олдин англа,*
*кейин танла.*
***Поклик соғлиқни,***
***ақл сабрни сақлар.***
*Роҳатини кўрган*
*азобига ҳам чидайди.*
***Той минган***
***от ҳам минар.***

Ўзбек халқ мақоллари.

**Бу, қизиқ!**

## Машҳур еттиликлар

Дунёда сонлар билан боғлиқ турли афсоналар юради. Кўпгина халқларда эса 7 сони хосиятли рақам ҳисобланади. Аслида бу ҳеч нарсани ҳал қилмаса-да, ҳаётда шу сон билан боғлиқ бир қанча ажойиботлар мавжуд. 7 кун, 7 мўъжиза, 7 хазина, 7 авлод, 7 иқлим, 7 ранг, 7 сайёра, 7 денгиз ва ҳоказо. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

| Етти авлод | Моддаларнинг етти кўриниши | Етти мусиқа нотаси |
|---|---|---|
| **1.** Фарзанд | **1.** Қаттиқ ҳолати | 1. До |
| **2.** Невара | **2.** Суюқ ҳолати | 2. Ре |
| **3.** Чевара | **3.** Газсимон ҳолати | 3. Ми |
| **4.** Эвара | **4.** Плазма ҳолати | 4. Фа |
| **5.** Панневара | **5.** Нейтрон ҳолати | 5. Соль |
| **6.** Овора | **6.** Эпиплазма ҳолати | 6. Ля |
| **7.** Бегона | **7.** Физик вакуум ҳолати | 7. Си |

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ тайёрлади.**

## Табассум

Уч яшар болакай онасига деди:

— Ойи, катта бўлсам, мениям ўғилчам бўлади, уни эрталаблари боғчага олиб бораман.

— Кейин-чи?

— Кейин сиз мени ишга олиб бориб қўясиз.

* * *

*Ота бешинчи синфда ўқийдиган ўғлидан сўради:*

*— Хўш, мактабда ишлар қалай?*

*— Мен "икки"чининг отаси билан гаплашмайман!*

* * *

— Хотин, тайёрмисан? Бунча имиллайсан? Меҳмонга кечикаяпмиз, ахир!

— Жуда бесабрсиз-да! Бир соатдан бери икки дақиқада тайёр бўламан, деб қулоғингизга танбур чалаяпманми?

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 939 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5